# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

34 (1144)
22-avgust
2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI


**Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!**





## "БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ" ФИЛИАЛИ:

# ИСТИҚЛОЛ МЕВАСИ

**Истиқлол йилларида бошқа кўплаб соҳалар қаторида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳам ривожланиш сари юз тутди. Дунёнинг Япония, Жанубий Корея, Хитой каби ривожланган мамлакатларидан инвестициялар киритилиб, моддий ва маънан эскирган техника ва технологиялар янгилари билан алмаштирилди. Натижада аҳоли, корхона ва ташкилотларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди.**

Ўтган йиллар мобайнида айрим корхоналар бирлаштирилиб, ўрнида замон билан ҳамқадам одим ташлай оладиган янги жамоалар ташкил этилди. "Ўзбектелеком" АК бош директорининг 2011 йил 3 июндаги 234-буйруғига асосан компания таркибидаги "UzNET" филиали "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалига айлантирилди. Корхонанинг мақсад ва вазифалари, айрим бўлимларида олиб борилаётган ишлар ҳақида газетамизнинг ўтган сонларида ҳикоя қилган эдик. Халқимиз катта шодиёна билан нишонлайдиган улуғ байрам — республикамиз Мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида филиал ичидаги уч кичик жамоа — Монтаж-қурилиш ишлари ва мижозларга техник хизмат кўрсатиш, Лойиҳаларни ривожлантириш, техник амалга ошириш, техник ҳисоб ва назорат ҳамда Техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотлар тармоғи мониторинги бўлимларида амалга оширилаётган ишлар, фидойи мутахассислар ҳақида ҳикоя қилмоқни лозим топдик. Зеро, бу бўлимларда меҳнат қилаётган алоқачилар ҳам филиалнинг кўпкишилик жамоаси қаторида улуғ тўйга алоқа хизмати сифатини оширишдек муносиб тўёна билан келмоқдалар.

4-5-бетлар

## Сўнгги янгилик!



Qnovo компанияси смартфонлар зарядланиш вақтини бирмунча қисқартирадиган технология ишлаб чиқди. Одатда телефонлар 15 дақиқа заряд олса сўзлашув тартибида 1,5 соатгача ишлаб беради, янги технология эса бу муддатни уч, ҳатто олти соатгача узайтириб бера олади. Афзалликларидан яна бири, саноатда батареяларни ишлаб чиқариш жараёнига таъсир ўтказмаган ҳолда уни замонавий қурилмаларда ишлатиш мумкинлигидир.

Технологиядан фойдаланиш учун смартфоннинг амалий тизимига махсус дастурий код, қурилманинг ўзига эса митти Qnovo чипи жойлаштирилади.

## УШБУ СОНДА:


Банк амалиётида замонавий технологиялар 2

Мобил қурилмалар учун луғат 3

Молодежь со здравыми мыслями 6

Илк смартфонга 20 йил 7

Асрий орзулар рўёби 8-9

Кўчмас мулк 16


Теледастурлар, спорт, кроссворд

## Jumadan Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2014 йил 19-20 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Хитой раҳбарияти билан учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи муҳокама этилиб, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилинди, Ўзбекистон ва Хитойнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланди.**

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент вилояти Кенгаши ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг такомиллашуви — сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

● **Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида иқтисодиётда тадбиркорлик тараққиёти ҳамда инвестициявий имкониятларнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда адлия органлари томонидан тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу берилди.**

● Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон геология соҳасини самарали ривожлантиришда фан ва амалиёт интеграцияси" мавзуида халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва кўплаб хорижий давлатлардан икки юздан зиёд олим ҳамда мутахассислар, экспертлар қатнашди.

● **Тошкент вилоятида умумтаълим мактаблари педагог ходимларининг касб маҳорати ва маданиятини юксалтириш, янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, таълим тизими раҳбарлари масъулияти, ташаббускорлигини янада оширишга бағишланган август кенгашлари ўтказилмоқда. Мазкур кенгашларда ўқитувчилар 2014/2015 ўқув йили учун яратилган дарсликлар ва уларга киритилган ўзгартишлар бўйича маълумотларга эга бўлмоқда.**

● "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Оила ва ахлоқ" мавзуида ўтказилган сўров мамлакатимизда истиқлол йилларида оилаларнинг фаровонлиги ошиб, маънавий-ахлоқий негизи мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Натижалар мамлакат фуқаролари, айниқса, қишлоқ аҳолисининг мутлақ катта қисми (респодентларнинг 92,3 фоизи) ўз оиласини бахтли деб билишини намоён этди.

# Банк амалиётида замонавий технологиялар

## 57,5 мингдан ортиқ мижоз интернет-банкинг, салкам 363 минг мижоз мобил-банкинг хизматидан фойдаланмоқда

**Банк тизимига электрон ахборот технологияларининг кириб келиши бу йўналишдаги серхаражат ишларни янгича ташкил этиш, такомиллаштиришга шароит яратди. Миллий иқтисодиётга электрон пулларнинг жорий этилиши ва ундан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши макроиқтисодий барқарорликни таъминламоқда.**



Ривожланган мамлакатлар тажрибаси пул муомаласида нақдсиз тўловлар улушининг ортиб бориши иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга эканини исботлади. Бинобарин, мамлакатимизда ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш ҳамда банклар томонидан мижозларга янги турдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш чоралари кўриб борилмоқда. "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонун, давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қатор қарорлар ижроси банк тизимида инновацион ахборот технологияларини кенг кўламда татбиқ этиш орқали мамлакатимизда қисқа муддатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга имконият яратди. Айни пайтда барча тижорат банкларини ўз ичига олган пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган Банклараро тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, микропроцессорли пластик карточкалар ва тўлов терминалларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда республикамиз бўйича 12,4 миллион донадан ортиқ пластик карта муомалага чиқарилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 149 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилган. Пластик карталар воситасида

> Бугунги кунда республикамиз бўйича 12,4 миллион донадан ортиқ пластик карта муомалага чиқарилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 149 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилган.

кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва инфратузилмасининг кенгайиши транзакциялар ҳажмида ҳам акс этмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк карталари воситасида амалга оширилган транзакциялар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоиз кўп бўлди.

Банклар амалиётига замонавий технологияларнинг жорий этилиши янги алоқа воситалари — интернет ва мобил телефондан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди. Ҳозирги пайтда 57,5 мингдан ортиқ мижоз интернет-банкинг, салкам 363 минг мижоз мобил-банкинг хизматидан фойдаланмоқда. Замонавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сафининг ўсиши янги банк маҳсулотларига бўлган талабни ошириб боришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Марказий банк томонидан республикада электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни кўзда тутувчи "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Маълумки, бугунги кунда жаҳоннинг йирик савдо компаниялари, анъанавий савдо усулларидан фойдаланиш билан бирга, электрон тижоратдан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 10 фоизи харидларни интернет тармоғи орқали амалга оширмоқда ва бу рақам кундан-кунга ўсиб бормоқда. Ушбу ҳужжат тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашда қўшимча шароитлар, шу жумладан, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмаси яратилишини таъминлайди.

## Истиқлол солномаси

### 2001 йил

- Феврал ойида республикамизда биринчи Интернет фестивали ўтказилди.
- Июл ойида Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ) илк битирувчи магистрларига диплом топширилди.
- Июл ойида "Жиззах Телеком" шўъба корхонасида "Биллинг" маркази ишга тушди.
- 2001 йили республикамиз маҳаллий телефон тармоқларида умумий сиғими 25,66 минг рақамли АТСлар ишга туширилди.

### 2002 йил

- 2002 йилнинг 30 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Мазкур фармонга кўра, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил қилинди. Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Шунингдек, Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилди.
- Шу йилнинг 6 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан Компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш "UZINFOCOM" маркази ташкил қилинди.
- 2002 йилнинг 23 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



InfoCom-2014 АКТ ҳафталиги 22-26 сентябр кунлари ташкил этилади.




# Мобил қурилмалар учун

## АКТ изоҳли луғатининг иловаси тайёрланди

Андроид платформасида ишлаб чиқилган замонавий АКТ атамаларининг янги ўзбекча-русча-инглизча луғати мобил телефонлар ва қурилмаларда кенг фойдаланиш учун Google Play (https://play.google.com/store/apps/details?id=com.ramil.lugat)га жойланди.

Ушбу луғатда ахборот-коммуникация технологияларининг турли йўналишлари, жумладан, компютерлаштириш ва ахборотлаштириш, телекоммуникация ва тармоқ технологиялари, дастурий ва ускунавий таъминот, электрон ҳукумат, ахборот хавфсизлиги, телекоммуникация тизимлари, маълумотларни қайта ишлаш, масофавий таълим, давлат бошқарувида АКТдан фойдаланиш соҳалари бўйича 5000га яқин атама ва тушунчалар мавжуд.

Луғатнинг афзалликлари сифатида, бу ресурс ҳажмининг чегараланмаганлиги, фойдаланувчининг ресурсдан масофадан туриб ва мунтазам фойдаланиш имконияти, керакли атамани ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳам алифбо тарзида, ҳам алоҳида сўз сифатида тез қидириш имконияти, тушунча ва атамаларнинг ўзбек тилидаги (кирилл ва лотин алифбосида) аниқ изоҳларини бериши ва унинг рус ва инглиз тилидаги муқобиллари келтирилишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

АКТ луғатининг мобил иловаси турли касб эгалари, жумладан, АКТ соҳа мутахассислари, тадқиқот институтлари илмий ходимлари, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари, таржимонлар, филологлар, тегишли ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, бошловчи ва тажрибали АТ фойдаланувчилар ва бошқалар учун мўлжалланган.

Шунингдек, бу луғат ZiyoNET таълим порталида (http://dic.zy.uz) ҳам кенг фойдаланиш учун жойлаштирилган бўлиб, уни АКТ соҳасидаги янги сўз ва атамалар билан тўлдириб бориш имкони мавжуд.

# Тараддуд

Марғилон педагогика коллежининг ахборот-ресурс марказида "Мустақиллик — энг олий неъмат" мавзуида китоб кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мустақиллик йилларида ёзилган китоблар ва рисолалар, газета ва журналлардан олинган мақолалар, фотолавҳалар жой олган.

Коллежда таҳсил олаётган мустақиллик тенгдошларининг ҳаётидан сўзловчи мақола ва фотосуратлар ҳам кўргазмага қўйилган.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# Ижоддан яралган саодат...

## Андижон фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом 75 ёшга тўлди.

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда шоирнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш, унинг ижодидаги янгиликлар билан китобхонларни таништириш, истеъдодли ёшларнинг ижодларига адиб Тўлан Низомнинг устоз сифатидаги қарашлари ва фикрлари билан ўртоқлашиш мақсадида шоир билан учрашув кечаси ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоира Хуршидабону олиб борди ва у даставвал, устоз шоир Тўлан Низомни муборак 75 ёши билан қизғин қутлаб, унинг ижодий фаолиятига қисқача тўхталди ва шоирнинг кейинги йилларда нашр этилган китоблари ҳақида фикрларини билдирди.

"Орзу" ижодий тўгараги аъзолари Тўлан Низом қаламига мансуб шеърлардан ёд айтиб, иштирокчиларнинг дилларини хушнуд этган бўлсалар, ўзларининг ижод намуналари билан устоз шоирни табрикладилар.

Андижонлик ижодкорлар — Қамчибек Кенжа, Нусрат Абдусалом, Абдуғулом Абдуғани, Баҳодир Андижоний каби шоирлар Тўлан Низомнинг ижодий фаолияти ҳақида тўхталар эканлар, шоирнинг мустақилликдан кейинги эркин ва баракали ижоди ҳақида, айниқса, достонлар битишда алоҳида Андижон мактабини яратганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг, сўз шоир Тўлан Низомга берилди. У Андижоннинг адабий муҳити ҳақида ўз фикрларини билдириб, ёшлар ижодига баҳо берар экан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг халқона тилда ёзилган ижоди ўзбек шеъриятига илк қадам қўяётган ёшларга бир мактаб бўлса, устоз сифатида Навоийни чуқур ўқиб-ўрганиш кераклиги, бу эса уларнинг келгусида халқ кўнглидан жой олувчи забардаст шоир ва ёзувчилар бўлиб етишишларига пойдевор бўлишини алоҳида таъкидлаб, уларнинг ижодига омад тилади.

"Покиза хаёллар соҳиби" мавзуидаги адабиётлар кўргазмаси иштирокчиларни Тўлан Низом ҳаёти ва янги чоп этилган китоблари билан яқиндан таништирди.

**Н.ЙЎЛДОШЕВА,**
**Андижон вилояти АКМ бош кутубхоначиси**

# Сарҳисоб

**Қарши шаҳрида "Ўзбектелеком Интернешнл МЧЖ" ҚКнинг Самарқанд, Қарши, Термиз ва Жиззах шаҳарларидаги филиалларида жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда филиалларнинг директорлари, техник ва тижорат директорлари, бўлим менежерлари иштирок этишди. Қўшма корхона бош директори Герасим Ли жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар ва даромад, филиалларнинг хизмат кўрсатиш самарадорлиги ҳамда телекоммуникациянинг универсал хизматларини кўрсатиш даражасини ошириш ҳақида гапириб, бу борада филиалларнинг иқтисодий салоҳияти, кўрсатилаётган хизматлар даражаси, қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб ўтди.

Соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан қўшма корхона техник директори Алишер Ғайбуллаев ва тижорат директори Мансур Алиевнинг ҳисоботлари тингланди.

Сўзга чиққанлар филиаллар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, аҳоли ва ташкилотларга алоқа хизматининг янги турларини тақдим этиш, янги технологияларни қўллаш, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш, маълумотлар узатиш, ахборот-телекоммуникация хизматлари кўрсатиш ҳамда телекоммуникация иншоотлари ва линия-кабел хўжаликлари сифатини яхшилаш борасида фикр билдирдилар.

Тадбирда ободонлаштириш ишларига эътибор қаратиш, мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳақида ҳам сўз борди.

Йиғилиш иштирокчилари Қарши шаҳридаги АТСлар, линия-кабел хўжалиги ишлари билан танишдилар.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**
**"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири**

# Кўчма ўқув

**"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалида "Телекоммуникация хизматларини сотиш техникаси ва мижозлар билан ишлашда муомала маданияти" ҳамда "Корхонада иш юритиш, ижро интизоми ва фуқаро мурожаатлари билан ишлаш" мавзуларида кўчма ўқув курслари ўтказилди.**

Курсларга маркетинг ва хизматларни сотувчи мутахассислар, "Ягона ойна" савдо офислари ходимлари, "Call Center" операторлари, ижро интизоми ҳамда мижозлар билан ишлаш бўйича мутахассислар жалб этилди.

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали кадрлар малакасини ошириш хизмати бош мутахассиси Райим Идиев, психолог Шоматлаб Мавлоний кадрлар билан ишлашда шакллар, бланкалардан фойдаланган ҳолда шахсий ишларни шакллантириш ва юритиш, меҳнат дафтарчаларини тўлдириш ва юритиш, ходимнинг ижтимоий суғурта ҳуқуқини берувчи умумий иш стажини ҳисоблаш, вақтинча ишга лаёқатсизлик варақасини ҳамда ижтимоий суғурта бўйича комиссия йиғилиши баённомасини расмийлаштириш, шахсий таркибни қабул қилиш, ишдан бўшатиш, уларни бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътилларини бериш, хизмат сафарларига оид буйруқларни ёзиш ва расмийлаштириш ҳамда телефонда сўзлашиш этикаси, низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари, муваффақиятли савдо қилиш санъати, корхонада иш юритиш, ижро интизоми ва фуқаро мурожаатлари билан ишлаш борасида атрофлича тушунча бердилар.

**Ўз мухбиримиз**

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

# "Бизнесни ривожлантириш
# Истиқлол

1-бет

### ВАЗИФАМИЗ МАСЪУЛИЯТЛИ

Абдусаид АБДУЛЛАЕВ,
монтаж-қурилиш ишлари ва мижозларга техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи:

*— Бўлимимиз ходимлари зиммасига, филиалнинг маълумот узатиш тармоқларида модернизация, реконструкция лойиҳаларига асосан, қурилма ва ускуналар монтаж-демонтаж ишлари ўрнатилган тартибда бажарилишини таъминлаш, мижозларга интернет, VPN, IP-телефон, видео-телефон, IPTV, Ethernet ва бошқа хизмат турларининг филиал маълумот узатиш тармоғига уланиши ва ушбу хизматларнинг доимий ишлашини таъминлаш, шунингдек, филиал томонидан мижозларга ажратилаётган қурилмалар, ускуналар ва жиҳозларнинг моддий ҳисоботини олиб бориш каби вазифалар юклатилган.*

*Ходимларимиз филиалнинг барча маълумотлар узатиш боғламаларида лойиҳалаштириш, монтаж-демонтаж, эксплуатация, тармоқни бошқариш ва кузатув-мониторинг ишларини сифатли амалга оширишга интилишяпти. Қувонарлиси, кейинги йилларда филиал маълумот узатиш тармоқлари кенгайиши билан бир қаторда, хизмат турларига уланаётган мижозлар сони ҳам ошиб боряпти.*

*Турли корхоналарда локал тармоқ барпо этиш, тадбирларда хизматларни тақдим этиш, қурилмаларни ўрнатиш-созлаш ва эксплуатацияга топшириш билан боғлиқ кўплаб монтаж ва демонтаж ишларида қатнашдик. Жумладан, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг локал тармоғи монтаж ишлари, "Ўзкўргазмасавдо" марказида "Bank Expo" кўргазмаси учун кабел ётқизиш ва Wi-Fi зонаси ташкиллаштириш, тармоқда FTTB технологиясини жорий қилиш ва ишга тушириш мақсадида бир қатор вилоятларда ZyXel MES-3500 русумли свичтларни созлаш ва тармоққа улаш ишларини тилга олиш мумкин. Шунингдек, "Ўзбекистон" спорт мажмуасида гимнастика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати мусобақаси учун Wi-Fi зона ташкиллаштириб, ADSL асосидаги интернет хизматини тақдим этдик. Бу рўйхатни яна давом эттираверсак бўлади.*

*Булардан ташқари, Тошкент шаҳридаги 16та АТСда ва "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК биносида монтаж, Тошкент вилоятидаги 12та АТСда монтаж ва 4та АТСда демонтаж ишлари қилинди. Мижозлар бўлими, корпоратив савдо ҳамда техник қўллаб-қувватлаш бўлимларидан тушган буюртма ва шикоятлар ҳамда кроссировка маълумотлари билан ишлашда мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиб боряпмиз.*



Бўлим бошлиғи А.АБДУЛЛАЕВ (ўнгдан биринчи) мутахассислар даврасида.

### БАХТИЁРНИНГ БАХТИ

Ҳар бир инсон бахтга интилиб яшайди. Лекин бахтни ҳар ким ўзича тушуниши ҳам бор гап. Монтаж-қурилиш ишлари ва мижозларга техник хизмат кўрсатиш бўлими 1-тоифали мутахассиси Бахтиёр Муҳаммаджонов эл корига ярашни бахт деб билади. Бу фикр унда отаси, узоқ йиллар авиация соҳасида бортмуҳандис бўлиб ишлаган Баҳодир ака ҳамда умрини ёшлар тарбиясига бағишлаб, анча йиллар пойтахтимиздаги 1-мактабга раҳбарлик қилган Сония опалар орқали пайдо бўлган.

Бахтиёрнинг "БРМ" филиалида меҳнат қилаётганига олти йилдан ошди. Бу давр ичида у алоқачилик касбининг сир-асрорларини пухта ўрганди, ўзига яраша обрў-эътибор топди.

— Шундай ажойиб жамоада ишлаётганимдан ғоят хурсандман, — дейди Бахтиёр Муҳаммаджонов. — Бу ерда ҳамма бир-бирига дўст, яқин маслакдош. Биз дам олиш кунларини ҳам баъзан биргаликда ўтказамиз. Яқинда Кумушконда жамоавий дам олдик, мазали таомлар пишириб, касаба уюшмамиз ўтказган спорт мусобақаларида иштирок этдик. Ғолиблар раҳбарият томонидан тақдирланди. Бу эзгу амаллар касбдошлигу дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб, меҳр-оқибатни кучайтиради, албатта.



Шуҳрат МАЛИКОВ ёш мутахассислар Барно АШУРОВА ҳамда Фаррух МУҲАММАДЖОНОВлар билан.

### "КАСБИМ ЎЗИМГА ЁҚАДИ"

Бу бўлим 1-тоифали муҳандиси Собиржон Маҳкамовнинг эътирофи. У аслида темир йўл соҳасида ишлаш ниятида эди. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни битириб, Тошкент темир йўл муҳандислари тайёрлаш институтига ўқишга кирди. Институт телекоммуникация факултетида ўқиши давомида эса, тақдирни қарангки, алоқачилик касбини ёқтириб қолди. Шу сабаб институтни битириши билан 2005 йили "Ўзбектелеком" АКнинг "UzNET" филиалига ишга келди. Мана, ўн йилга яқинлашяптики, зиммасидаги ҳар бир вазифани сифатли ва бенуқсон бажариб келяпти.

— Гуруҳимиз билан мижозларга техник хизмат кўрсатамиз, улардан тушган аризаларни жойига чиқиб ҳал қилиб келамиз, — дейди Собиржон биз билан суҳбатда. — Бундай ишлаш ҳар бир мутахассисдан чуқур билимни талаб этади. Негаки, замон шиддат билан ривожланяпти. Эскирган техникалар ўрнини янгилари эгаллаяпти. Уларни ўзлаштириш учун ҳам доимий равишда ўқиб-изланмоқ керак.

### КУНУ ТУН СЕРГАКМИЗ

Шуҳрат МАЛИКОВ,
техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотлар мониторинги бўлими бошлиғи:

*— Бўлимимизда 20 нафар мутахассис икки гуруҳга бўлинган ҳолда иш олиб боряпти. Уларнинг 15 нафари гуруҳ етакчиси Анвар Аширов етакчилигида мижозлар билан ишлаётган бўлишса, "ТШТТ" филиали Марказий АТСида фаолият юритаётган беш нафар мутахассисимиз маълумотлар тармоғи мониторингини олиб боришяпти. У ердаги ишларга тажрибали муҳандис Фахриддин Салимов бош-қош.*

*Филиал томонидан кўрсатилаётган хизматлар тўғрисидаги маълумотни мижозларга тақдим этиш, мижозлардан, шунингдек, тармоқ операторлари(провайдер)дан тушаётган аризаларни куну тун, узлуксиз қайд этиб бориш, бажарилишини назорат қилиш, тақдим этилаётган хизматлар сифати бўйича тушган ариза ва шикоятларга тезликда жавоб қайтариш, филиал маълумотлар узатиш тармоғи техник таъминотини ва ишга лаёқатлилигини таъминлаш каби ишлар зиммамизга юклатилган.*

*Жорий йилнинг иккинчи чораги давомида мутахассисларимиз томонидан қабул қилинган 4466та мурожаат қўнғироқларидан 4379таси телефон орқали ҳал этилган бўлса, 87та қўнғироқ юзасидан муаммоларни мижоз яшаётган манзилга бориб ҳал этиш учун буюртма берилди.*

*Йил бошидан бери ходимларимиз интернет хизмати тезлигини ошириш ва оптимизация қилиш мақсадида Cache Flow қурилмаларини БРМ техник майдончасига, тармоқда янги БРАС маршрутизаторларини НРМ техник майдончасига ўрнатиш, "Uzonline" ва филиал мижозларига кўрсатилаётган интернет хизмати сифатини ошириш ва IP-адрес етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида юқори техник имкониятга эга ASR9006 маршрутизаторини БРМ техник майдончасига ўрнатиб, ишга тушириш каби анчагина муҳим ишларни амалга оширишди.*

*Жамоамиз республика ва халқаро даражадаги қатор тадбирларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун*

## Сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

# маркази" филиали: меваси



*куну тун сергак. Бундан ташқари, БРМ техник майдончаси, IPTV техник майдончаси ва ташкил этилган янги техник майдончанинг ҳаво ҳарорати мунтазам назоратда.*

*Мутахассислар малакасини ошириб бориш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан бири. Зеро, малакали мутахассисгина ўзига топширилган вазифани тўлиқ ва бехато бажара олади. Ходимларимизни соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, ишга туширилаётган янги дастурлардан хабардор қилиб бориш мақсадида махсус дастур асосида ташкиллаштирилаётган ўқув семинарларидаги фаол иштирокини ҳам таъминлаяпмиз.*

### ШИРИНСУХАН ОПЕРАТОР

Мижозларга техник хизмат кўрсатувчи операторга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ширинсуханликдир. Шунингдек, у билимли ва маданиятли бўлмоғи лозим.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг шаҳарлараро алоқа факултетини битириб, "БРМ" филиали техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотлар мониторинги бўлимига операторликка ишга қабул қилинаётганида Барно Ашуровага ходимлар бўлими мутахассиси ана шу талабларни қўйган эди. Мана, икки йилдан ошдики, бу талаблар Барнонинг бир зум ҳам ёдидан кўтарилгани йўқ. Аксинча, иш жараёнида соҳага оид яна кўп нарсаларни ўрганди, тажриба орттирди.

— Барча ўгитлар учун жамоадошларимдан, айниқса, устозларим Шуҳрат Маликов ҳамда Анвар Ашировлардан беҳад миннатдорман, — дейди Барнохон биз билан суҳбатда. — Соҳамиздаги янгиликлардан тортиб, мурожаатчига қандай муомала қилишгача ўргатишди. Келгусида етук мутахассис бўлиш ниятидаман. Шунинг учун ҳам Тошкент ахборот технологиялари университетига кириб ўқиш ҳаракатидаман.

### ШАРОИТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Юртимизда ёшларнинг пухта билим олишлари учун кенг йўл очилган. Бўлим 2-тоифали муҳандиси Фаррух Муҳаммаджонов ана шу шароитдан унумли фойдаланиб, севган касбини эгаллаган ёшлардан.

Фаррух 1991 йили Тошкент шаҳрида, ҳарбийликни ўзи учун шараф деб билган Шавкатжон ҳамда уй бекаси Жаннатойлар хонадонида таваллуд топди. Ўзидаги иқтидор, ҳам отасининг ҳарбийча талабчанлиги сабаб, мактабда яхши ўқиди. Сўнг 2007 йили ўқишини Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда давом эттирди.

— Лицейдаги устозларим пухта билим беришгани туфайли ТАТУга юқори балл билан ўқишга кирдим, — дейди Фаррух Муҳаммаджонов. — Ўша пайтлари ҳам "БРМ" филиалига тез-тез келиб турардим. Бу ердаги иш жараёнини кузатиб, қизиқишим янада ортди ва университетни тугатиб, шу ерга ишга келдим. Мустақил, жаннатмонанд Ўзбекистон фарзанди эканлигим билан фахрланаман. Юртимизда биз учун ҳамма шароит яратилган. Фақат ана шу қулайликдан фойдаланиб, яхши билим олмоқ керак. Ҳамма тенгқурларим яхши билим олиб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшишларини истар эдим. Чунки, келажак биз каби ёшларники. Ота-боболаримиз бошлаган эзгу ишларни давом эттириб, юртимизни илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш бизнинг бурчимиздир.



Лойиҳаларни ривожлантириш, техник амалга ошириш, техник ҳисоб ва назорат бўлими ходимлари қизғин меҳнат устида.

### ФАОЛ ИШТИРОК ЭТЯПМИЗ



Иброҳим САГДИЕВ,
лойиҳаларни ривожлантириш, техник амалга ошириш, техник ҳисоб ва назорат бўлими бошлиғи:

*— Бўлимимиз 2008 йили маълумотлар узатиш тармоғига ўзгартиришлар киритиш, яъни юқори техник кўрсаткичларга эга тармоқ қурилмаларини жойларда ўрнатиш ва ишга тушириш мақсадида ташкил этилган.*

*Ҳозирги кунда тармоқ модернизацияси лойиҳалари ҳужжатларини расмийлаштириш, корхона, ташкилот, банклар, қўшма корхоналар ва ўқув муассасалари билан корпоратив тармоқлар қуришга доир техник ечимлар ишлаб чиқиш, тармоқ қурилмаларининг техник ҳисобини олиб бориш ва жойларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида бажарилиши назоратини таъминлаяпмиз.*

*Бўлим янги ташкил этилганига қарамасдан, айни даврга қадар маълумотлар узатиш тармоғидаги барча амалга оширилган модернизация ишларида фаол қатнашиб, керакли натижаларга эришяпмиз. Масалан, Тошкент шаҳри ва вилоятлараро транспорт каналлари 2010 йилга қадар 1 Гб/сония, 2011 йил давомида 10 Гб/сония тезликка кўтарилди, илгари бу кўрсаткичлар бир неча Мб/сонияни ташкил этар эди.*

*Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги каби идораларда электрон ҳужжат алмашинув тизимини яратиш мақсадида бир қатор йирик корпоратив тармоқларни қуришда фаол қатнашдик. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш борасида "Биометрик паспорт" лойиҳаси асосида Ички ишлар вазирлигининг барча хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлинмаларини ягона корпоратив тармоққа улашда ҳам бевосита иштирок этдик.*

*Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантириш ва уни замонавий йўсинларда олиб бориш борасидаги "Электрон таълим" лойиҳасига асосан, 164та олий таълим муассасаси ўртасида 1 Гб/сония тезликдаги тармоқ барпо этилди.*

*Бўлимдаги малакали мутахассисларнинг олиб борган ўрганишлари ҳамда раҳбариятнинг кўмаги ёрдамида тармоқда янги IP-телефония ва IPTV-мултимедиа хизматларига мўлжалланган қурилмалар ўрнатилди ва ишга туширилди. Талаб ошиб бораётган IPTV сифатини таъминлаш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 2013 йил давомида ҳар бир вилоят марказида аггрегация маршрутизаторлари ўрнатилганлиги яхши иш бўлди.*

*Бўлимнинг 2014-2015 йиллар учун белгиланган истиқболли режалари ишлаб чиқилган ва уларни бажаришда барча билим, малака ҳамда кучимизни аямасдан ҳаракат қиламиз.*

### ҲУРМАТГА САЗОВОР

Баҳром Зиёмуҳамедовнинг Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот технологиялари факултетини битириб, филиалга ишга келганига беш йилдан ошди. Шу муддат мобайнида у ўзининг ишчанлиги, соҳани яхши билиши, барчага бирдек меҳрибонлиги билан ҳурмат-эътибор қозонди.

— Олмазор туманидаги 24-мактабни битириб, Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида таҳсил олдим, — дейди Баҳром биз билан суҳбатда. — Сўнгра алоқа соҳасига қизиққанлигим сабаб, ТАТУга ўқишга кирдим. Иш жараёнида кўп нарсани ўрганишга муваффақ бўлдим. Бўлимимизда ҳамма бир ота-она фарзандидек бир-бирига меҳрибон. Ҳар қандай вазиятда касбдошларимиз ёрдамга шай туришади. Шундай аҳил жамоада ишлаётганимдан мамнунман.

**Бугун филиалнинг қайси ходими билан суҳбатлашманг, кўтаринки кайфиятда меҳнат қилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу юртдошларимиз, айниқса, алоқа соҳаси ходимларининг юрт келажаги учун қайғураётганидан, эртанги кунимиз янада фаровон бўлишига муносиб улуш қўшишга интилаётганлигидан далолатдир.**

**Кўшсаҳифани Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади.**



Samsung ярим йил ичида 224 миллион дона мобил қурилма сотди.

# Молодежь
## со здравыми мыслями – светлое будущее страны

**Успешно закончился 2013-2014 учебный год в Ташкентском университете информационных технологий.**



Родина получила достойных дипломированных специалистов. Мы уверены, что все они найдут свое достойное место в сфере информационных технологий и в обществе они будут не последними людьми. Среди которых и выпускники кафедры "Телестудийные системы и приложения" факультета телевизионные технологии. В этом году данная кафедра успешно выпустила свой 3-й выпуск кинооператоров и инженеров специального освещения, очного и заочного отделения. С каждым годом возрастает потребность к квалифицированным специалистам этих профессий. Еще в апреле 2009 года наш президент И.Каримов постановил создание факультета "Телевизионные технологии" в Ташкентском университете информационных технологий и республиканского профессионального колледжа телевидения и радио, что бы жить в ногу со временем в эпоху информационного века.

В этом году среди выпускников вышеуказанных направлений чувствуется тяга к их специальностям, осознание ими правильности выбора данной профессии. Очевидны улучшения знаний выпускников, высокий уровень их мышления, интересные, актуальные идеи, реализованные в их фильмах, выпускных квалификационных работах.

Свидетельством тому являются нижеперечисленные интересные, талантливые работы:

К примеру, выпускница группы операторов очного отделения Е.Ен (руководитель — старший преподаватель М.Салиев) качеством своей выпускной квалификационной работы, то есть видео роликом смогла доказать, что девушка оператор — это не миф. Ее работа была посвящена теме: "Национальные сокровища Южной Кореи", фильм снят, смонтирован качественно, сюжет полностью оправдывает название фильма, все идеи сценария полностью воплощены, вся работа была сделана на английском языке и успешно защищена.

Так же выпускник группы осветителей очного отделения М.Фаттахов (руководитель — старший преподаватель А.Абдурахимов) выполнил свою выпускную квалификационную работу так же на английском языке замечательно. Она заключалась в том что, он должен был снять качественно такие природные явления как, дождь, снег, туман и дым, что удается не каждому оператору. Но он на отлично справился с этой задачей.

Выпускник заочной группы операторов В.Дьяков (руководитель — старший преподаватель Э.Хасанова) снял фильм под названием "Назад в прошлое", который заставляет задуматься о том, как мы живем, не замечая быстротечность времени, зачастую проводим его бесполезно, бываем безразличны к окружающей среде. Хотя могли бы свое драгоценное время провести с пользой, оглянуться вокруг, сделать больше добра окружающим, оставить за собой хороший след.

Выпускник группы операторов очного отделения С.Ибрагимов (руководитель — С.Хайтматова) снял очень актуальный фильм о войне "Аёвсиз уруш" ("Беспощадная война"), чем продемонстрировал неравнодушие нынешней молодежи к войне, часто у обывателей складывается мнение, о том, что нынешняя молодежь очень агрессивна, но знакомясь с талантливыми работами выпускников данной кафедры, убеждаешься в том, что это не так. В сюжете С.Ибрагимов раскрывает тему войны и основной идеей является могущество музыки, солдат под воздействием мелодии, не решился убить вражеского солдата, который так замечательно играл на скрипке. Действительно любовь к прекрасному никогда не позволит человеку сделать ужасный поступок.

Поэтому воспитание у молодежи любви к прекрасному, всегда приносит свои плоды. Очевидно, что преподаватели данной кафедры сумели донести до студентов те знания, которые им пригодятся в их профессиональной деятельности. Ведь операторы и осветители это не техническая, а напротив творческая профессии, где могут работать только люди, способные любить и чувствовать прекрасное, увидеть, то, что не заметит обычный человек. Но вместе с тем их творчество требует высокой технической подготовки.

Исходя из сказанного, хочется сказать, что радует протест молодежи против войны и агрессии в то время когда в других странах царит война и беспокойство. Молодежь Узбекистана ценит мир и спокойствие в нашей стране и старается направить свои силы и энергию на благо и созидание.

Молодежь это наше будущее. И имея такие кадры со здравыми и актуальными мыслями и идеями можно смело утверждать о том, что нас ждет светлое будущее.

**Б.БОЗОРБОЕВ,**
заведующий кафедрой ТТИ,
**Ш.САТТОРОВА,**
ассистент ТТИ

**На Едином портале интерактивных государственных услуг (ЕПИГУ) внедрена возможность регистрации и привязки к личному кабинету банковских карточек Uzcard EMV ("онлайн-карта") с подключённой услугой SMS-уведомления.**

# Услуги ЕПИГУ
## можно оплатить банковскими картами Uzcard EMV

Регистрация осуществляется в 2 шага, путём ввода сведений о пользователе и основных данных его пластиковой карточки Uzcard EMV (номер карты и срок действия карты), а также кода подтверждения, который отправляется пользователю в виде SMS-сообщения, сообщается на сайте процессингового центра. После завершения регистрации, на телефон пользователя приходит сообщение системы Единого портала об успешной регистрации.

Такое новшество в дальнейшем позволит осуществлять платежи напрямую из кабинета пользователя на Едином портале, без повторного ввода данных банковской карты. В первую очередь, возможность оплаты картами Uzcard EMV будет внедрена для проведения платежей за услуги, оказываемые на ЕПИГУ.



# 95,65% пользователей предпочитают получать госуслуги в электронном виде

**Государственный комитет статистики Узбекистана опубликовал результаты опроса пользователей об использовании интерактивных государственных услуг.**

Госкомстатом разработан и введен опрос с целью оценки удовлетворенности полнотой и качеством предоставляемых государственных интерактивных услуг юридическим и физическим лицам.

Результаты текущего опроса на 15 августа текущего года показывают, что:

- 95,65% пользователей предпочитают получать интерактивные государственные услуги в электронном виде;
- 89,86% участников устраивает качество предоставления интерактивных государственных услуг;
- 86,96% участников устраивают сроки предоставления государственных интерактивных услуг;
- 95,65% участников пользуются услугой "Предоставление государственных статистической отчетности в электронном виде";
- у 89,86% пользователей не возникали проблемы при получении интерактивных государственных услуг;
- 91,30% пользователей собираются и в дальнейшем пользоваться государственными интерактивными услугами;
- 82,61% участников опроса пользуются мобильной версией сайта.

Результаты помогут дальнейшей модернизации и повышению качества оказания интерактивных государственных услуг.


23-24 августа в Самарканде пройдут региональные отборочные турниры Чемпионата Узбекистана по е-спорту Zo'r-Zo'r UCG 2014.

## Xalqaro hayot

**Ўтган ҳафта — 15 август куни Панама каналидан биринчи кема сузиб ўтганига 100 йил тўлди. Атлантика ва Тинч океанларини боғловчи бу улкан каналнинг узунлиги — 81,6 км., эни — 150 метр, чуқурлиги — 12 метрга тенг.**

**Канал 1904-1914 йилларда қуриб битказилган. Бу муҳим объект нафақат манзилларни яқинлаштиради (масалан, Нью-Йоркдан Сан-Францискогача масофа 22,5 минг км.дан 9,5 минг км.гача қисқаради), балки яхшигина даромад манбаи ҳамдир. Ҳозир канални янада такомиллаштиришга киришган Панама ҳукумати 2015 йилдан йилига 2,5 млрд, 2025 йилдан 4 млрд. доллар даромад олишни режалаштирган.**

Либерия ҳукумати Эбола вируси тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакат ҳудудида комендантлик соати жорий этди. У маҳаллий вақт билан соат 21.00дан 06.00гача давом этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, шу пайтгача 2240 киши касалликни юқтирган бўлиб, 1350 инсон вафот этган. Энг қалтис вазият Африка ғарбида кузатиляпти: Эбола касаллиги Либерияда — 466 киши, Гвинеяда — 394, Серра-Леонеда — 365, Нигерияда — 4 кишининг ёстиғини қуритган.

**Япониянинг Хиросима префектурасида кўчки юз берди. Бунинг оқибатида қирққа яқин киши қурбон бўлгани, бедараклар рўйхатидаги етти инсон қидирилаётгани маълум қилинган.**

**Кўчкини келтириб чиқарган шаррос ёмғир, шунингдек, 15 километр масофадаги уйларга ҳам жиддий шикаст етказган.**

Эрон ва Ироқ чегарасида душанба куни икки марта ер силкиниши кузатилди. Биринчиси — магнитудаси 6,2 баллга тенг зилзила эрталаб, иккинчиси — 5,7 магнитудали силкиниш маҳаллий вақт билан кечки 22.38да юз берди.

Зилзила маркази Элам вилоятининг Деҳларон шаҳарчасидан 43 километр узоқликда жойлашган.

**Исландияда музлик остида жойлашган Бардарбунг вулқонининг "уйғониш" эҳтимоли сўнгги кунларда ошиб кетди. Шу сабабдан бевосита вулқон яқинида парвоз қилувчи самолётлар учун "сариқ" — иккинчи даражали хавф эълон қилинди.**

**2010 йили Исландиянинг Эйяфьядлайёкюдл музлигидаги вулқон отилиши бир неча кунга Европадаги самолётлар парвозини тўхтатиб қўйган ва 1,7 млрд. долларлик зарар келтирганди.**

Таиландда яқинда бўлиб ўтган ҳарбий тўнтариш раҳбари, генерал Прают Чан-Оча парламент томонидан бош вазирликка сайланди.

Прают тез орада мувaққат ҳукумат шакллантириш ва сиёсий ислоҳотлар ўтказишга ваъда берган. Шундан сўнг, унинг таъкидлашича, 2015 йил охирларида янги сайловлар бўлиб ўтади.

**Сиднейдаги аукционга Rio Tinto тоғ-кон концерни (Австралия-Буюк Британия) томонидан тўртта ноёб қизил бриллиант сотувга қўйилди.**

**Дунёда бундай бриллиантлар жуда оз, атиги 30 донани ташкил этади. Улардан энг йириги — "Аргил кардинали" 1,21 каратли бўлиб, ўтган йили Нью-Йоркдаги аукционда рекорд натижа қайд этилиб, 2,1 миллион долларга сотилган эди.**

Туркия Олий маъмурий суди Истамбулнинг Зайтунбурни туманидаги қатор осмонўпар биноларни бузиб ташлаш қарорини тасдиқлади. Бинолар шаҳар кўркини бузиб, тарихий обидалар, диққатга сазовор жойларни тўсиб қолганидан маҳаллий аҳоли норози бўлаётганди.

Адвокат Жиҳат Гўкдемирнинг айтишича, бу якуний суд қарори, ҳеч қандай апелляция олинмайди, суд ҳукми бажариш учун қабул қилинади.




## Илк смартфонга 20 йил

**1994 йилнинг 16 августида АҚШда дастлабки смартфон – IBM Simon тақдим этилганди. Қурилма BellSouth компанияси билан ҳамкорлик маҳсули бўлиб, мобил телефон, пейжер, портатив чўнтак компютери сингари функцияларга эга, факсга боғланар, календар, электрон почта, ёндафтар, ўйинлар каби дастурий иловаларни қўлларди.**

Бу смартфоннинг тугмали клавиатураси бўлмаган — буйруқларни киритиш учун ўзига хос "интеллектуал" экран клавиатураси ҳамда виртуал QWERTY-клавиатурадан фойдаланилган.

IBM Simonнинг оғирлиги 500 грамм атрофида бўлиб, яшил суюқ-кристалл экрани стилусда бошқарилган, нархи 899 доллар қилиб белгиланган.

## Internet Explorerнинг номи ўзгарадими?

Маълумки, интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарияти, айниқса, ёшлар Internet Explorer браузерини унчалик ёқтиришмайди. Ким учундир зерикарли, кимгадир ноўнгай, хуллас, ишлатмасликка сабаблар исталганча топилади. Ҳолбуки, браузернинг охирги шакли (Internet Explorer 11) бирмунча яхшиланган, аммо эски хотиралар қайтиб бу браузердан фойдаланишга изн бермайди.

Шу боис Microsoft мутахассислари Internet Explorer нуфузини тиклаш учун турли чораларни қўллашмоқда, хусусан, унинг номини ўзгартириш таклифини ҳам киритишди. Аммо улар топган янги ном — Ultron раҳбариятга маъқул келмади. Начора, энди воқеалар ривожини кутиб қоламиз.




iOS ANDROID

## Android ва iOS — 96 фоиз бозор

**IDC компанияси маълумот келтиришича, жорий йил II чорагида жаҳон бозорига ўтган йилнинг шу давридагидан 25,3 фоиз кўп ёки 301,3 миллионта смартфон чиқарилган.**

ОС Androidнинг улуши чорак давомида 33,3 фоизга ўсиб, (255,3 млн. қурилма) бозордаги ўрни 84,7 фоизгача кенгайди. Эътиборли жиҳати, андроидли қурилмаларнинг ярмидан кўпи нархи 200 долларгача бўлган смартфонлардир.

Худди шу даврда жаҳон бозорида 35,2 миллионтагача iPhone (iOS амалий тизими) сотилган. iOS ва Windows Phone амалий тизимларида пасайиш кузатилгани сингари, смартфонлар бозорида BlackBerryнинг ўрни йўқолиб боряпти — Канада компаниясининг қурилмалари етказилиши 78 фоизгача қисқариб кетди ва глобал улуши атиги 0,5 фоизни ташкил этяпти, холос.

## Футбол ва компютер

**Англия премераси иштирокчиси – "Суонси" жамоаси ҳар бир футболчисини планшет билан таъминлади.**



Бу қурилма воситасида Гарри Монк бошчилигидаги мураббийлар штаби футболчиларни ўйинларга яхшироқ тайёрлашга умид қиляпти. Чунончи, планшетларга бўлажак рақиб жамоа ва унинг ўйинлари, тактикаси, статистикаси ва бошқа батафсил маълумотлар йўлланади.

Шу янгилик сабабми ёки бошқа омиллар таъсир қилдими, ҳар ҳолда "Суонси" Англия чемпионатининг 1-турида меҳмонда кимсан "Манчестер Юнайтед" устидан ғалаба қозонди (1:2).

## Баракали мавсум

Lenovo (Хитой) компанияси учун ўтган чорак баракали келди. Ҳисобот даврида компания шахсий компютерлар савдоси 20 фоизга ошиб, жами даромадининг 49 фоизини ташкил этди, бу Lenovo тарихидаги энг яхши кўрсаткичдир. Қолаверса, донабай ҳисоблаганда, компания компютерларга қараганда смартфонларни кўпроқ сотдики (15,8 млн. смартфон), бу ҳам илк бор кузатиляпти.

Якуний натижа ҳам шунга яраша: чоракда умумий даромад 18 фоизга яхшиланиб, 10,4 млрд. долларга етган.



Fuhu компанияси дунёдаги энг катта дисплейли The Big Tab номли планшетни ишлаб чиқарди.

# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим




# Асрий тўёна

**Ахборот технологияларининг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ақлни шоширади. Қанчадан-қанча машаққатли меҳнатлар эвазига яратилаётган бу қулайликлар ва имкониятлар мамлакатимиз иқтисодиётининг равнақига равнақ, халқимиз турмушига кўрк бағишлаяпти десак, асло муболаға бўлмайди. Соҳадаги бу islоҳотлар, бу улкан бунёдкорлик тарихан қисқа даврда – мамлакатимиз мустақиллиги йилларида амалга ошгани билан янада аҳамиятлидир. Бу жараёнда азалдан олиму мутафаккирлар бешиги саналмиш Хоразм заминининг ўрни бўлакча.**

"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалини бугун ёшларсиз тасаввур этиш мушкул. Корхонага йўлингиз тушса, хушфеъл, ўз ишининг ҳавосини олган йигит-қизлар хизматингизга шай. Кўпчилиги ТАТУ Урганч филиалини битирган меҳнатга чанқоқ ёшлар бўлиб, улар "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалида меҳнат қилишни шараф деб билишади.

— Ишим ўзимга жуда ёқади. Интернетдан фойдаланувчилар асосан ёшлар. Улар билан муомалада бўлиш, саволларига жавоб бериш завқ бағишлайди. Ҳар бир юртдошимга хизмат кўрсатишдан бахтиёрман. Касб сир-асрорларини ўргатаётган устозларга алоҳида раҳмат, — дейди ТАТУ Урганч филиалини тугатиб филиалда иш бошлаган Дилноза Отажонова.

— Филиалда ишлаётганимга кўп йиллар бўлди. Катта ўзгаришлар, янгиланишлар гувоҳи бўлдим. Энг замонавий, қулай техника воситалари, ADSL интернет хизматлари йўлга қўйилди. FTTx лойиҳаси асосида кўп қаватли уйлар хонадонларига арзон ва қулай нархларда, сифатли ва юқори тезликдаги интернет ва IPTV хизматларини кўрсатяпмиз, — дейди "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали бўлим бошлиғи Абдурайим Абдураҳмонов.


Суратда: CALL маркази ишчи-ходимлари.

Олдинги шароитлар билан ҳозиргиси солиштирилса, ер билан осмонча тафовут бор. Вилоятимиздаги бунёдкорлик кишини тўлқинлантириб юборади.

Урганч шаҳрида янги қуриб битказилган кўп қаватли уйларга, "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалининг жорий йилга мўлжалланган режасига мувофиқ, FTTx технологияси асосида 6,6 километрлик ОТАЛ ётқизилди. Ҳозирга келиб вилоятдаги учта олий таълим муассасаси, Маъмун академиясига жами 8,172 км., 12та касб-ҳунар коллежига жами 12,043 км., 39та умумтаълим мактабига жами 27,85 км. узунликдаги ОТАЛ ётқизилди.

Вилоятдаги 3та ОТМ ва Хоразм Маъмун академияси xDSL орқали, коллежларнинг 29таси xDSL, 56таси CDMA-450 тармоқ, академик лицейларнинг олтитаси, умумтаълим мактабларининг 120таси xDSL, 411таси CDMA-450 тармоғи орқали "ZiyoNET" таълим тармоғига уланди.

Бундай тезкор ўзгаришлардан жудаям мамнунмиз. Элимизга қўлимиз кўксимизда туриб хизмат қилишга доимо тайёрмиз.

**Ортиқбой ОЛЛАБЕРГАНОВ,**
**"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали директори**

**FAKT**

- "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалида 2014 йил биринчи ярим йиллик режаси бажарилиши — 100,6 фоизни ташкил этди.
- "Ягона ойна" савдо офислари сони — 12та.

## "Матбуот тарқатувчи" ШК

**Хоразм аҳлига даврий нашрлар тарқатиш билан вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасининг 43 кишилик жамоаси шуғулланиб келяпти.**

Вилоятда ҳозирги кунда "Матбуот" дўконлари сони 63та бўлиб, шундан 31таси қишлоқларда жойлашган.

Корхона товар айланмаси 2014 йил биринчи ярим йилликда 1 163 895 минг сўм ўрнига 1 435 125 минг сўмга бажарилиб, ялпи даромад 280 776 минг сўмни, соф фойда 10 846 минг сўмни ташкил этди.

2014 йили шўъба корхона моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва узоқ қишлоқ жойларидаги аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида янги "Дамас" машинаси сотиб олинди ва Хоразмдаги энг йирик ҳудудлардан бири ҳисобланган Қўшкўпир туманига бириктирилди. Ёнилғи захираларидан тежаб фойдаланиш, келгуси иш фаолиятида узилиш бўлмаслиги учун барча автомашиналар газ ёнилғисига ўтказилган. Обуна тарқатувчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш мақсадида велосипедлар олиб берилди.



**FAKT**

- ТАТУ Урганч филиали 2005 йили ташкил этилган.
- Талабалар сони — 592 нафар.
- Профессор-ўқитувчилар сони — 44 нафар.

## ТАТУ Урганч филиали

Дастлабки йилларда "Информатика ва АТ", "Касб таълими" йўналишларида талабалар қабул қилинган, 2008 йилдан бакалавриатуранинг "Телекоммуникация" ва "Сервис" таълим йўналишларига ҳам талабаларни қабул қилиш бошланди.

2013-2014 ўқув йилидан филиалда "Компютер инжиниринг" (компютер тизимларини лойиҳалаш) мутахассислиги бўйича магистратура очилди.

Янги тузилмага мувофиқ, филиалнинг ахборот технологиялари факултети номи мазмунига мос равишда компютер инжиниринги факултети деб ўзгартирилди. Бу филиал таркибида "Ахборот технологиялари", "Ахборот-таълим технологиялари", "Табиий ва умумкасбий фанлар", "Гуманитар ва ижтимоий фанлар" ҳамда "Телекоммуникация инжиниринги" каби бешта кафедра бор.


ТАТУ Урганч филиалида бешта кафедра фаолият кўрсатмоқда.

## сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

# орзулар рўёби

## САМАРА

– Ҳар доим ишга отланаркан-ман, тинч-тотув ҳаёт кечираётганлигимизга шукроналар айтаман, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали директори Отабой Раҳимов. — Юртимиздаги осойишталик туфайли белимиз бардам, кучимиз тўла, ақл-заковатимиз жойида, фарзандларимиз соғлом, ишимизда барака, оиламизда файз бор.

Баъзан ўз ишимиз билан бўлиб, ёнгинамизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни пайқамай қоламиз. Ҳа, ҳозир халқимизнинг турмуш даражаси юксалиб, шаҳар ва қишлоқлар янгича қиёфа касб этмоқда. Бунёдкорлик ишлари вилоятимизда авж олган. Ана шу ўзгаришларга монанд "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиалида ҳам ишлар шу куннинг талаблари даражасида амалга оширилаётир. Жумладан, филиалнинг Урганч шаҳар бўлими ва олтита почта алоқаси бўлимида ОАТ "Алоқабанк" Хоразм бўлими билан ҳамкорликда пластик карталар учун терминал ўрнатилди. Қолган барча алоқа тармоқлари ўзларининг ҳисоб-рақамларига эга ва банклар орқали терминаллар ижарага олиниб, самарали фаолият юритмоқда.



Суратда: Филиал директори Отабой РАҲИМОВ иқтисод бўлими бошлиғи Равшанбек ЗОКИРОВ билан.

Вилоятда 443 нафар почта тарқатувчи фаолият кўрсатяпти. 2005-2007 йиллар давомида барча тармоқлар ҳамда алоқа бўлимлари 150та замонавий электрон тарози билан таъминланди. 2007 йил декабр ойидан бошлаб "Хоразм Телеком" (ўша пайтда шундай номланган) билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки жойда компютер орқали "Биллинг" тизими ишга туширилди. 2008 йил декабр ойида эса "Ўзбектелеком" АКнинг "Ўзмобайл" филиали билан ҳамкорликда қишлоқ жойлардаги 15та алоқа бўлимига рақамли мобил телефон аппаратлари ўрнатилди. Бу билан хизмат кўрсатиш турларининг янада кўпайишига ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг яхшиланишига эришилди.

2013 йилда автоматлаштирилган тўловларни қабул қилиш тизимини такомиллаштириш учун жамият томонидан барча алоқа бўлимларига 30та компютер жамланмаси ажратилди ва улар корпоратив тармоққа тўлиқ уланиб, ишга туширилди.

**FAKT**

■ "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиалининг туман ва шаҳар ПАТ сони — 12та.

■ Алоқа бўлимлари сони — 145та.

■ Интернет-кафелар сони — 6та.

Босқичма-босқич ривожланиш тараққиётидан ўтиб, фаолиятимизни янада такомиллаштириш бўйича режаларимиз катта. Жорий йил марказий почта ва алоқа тармоқларида фаолиятимизни ривожлантириш, аҳолига намунали почта ва алоқа хизмати кўрсатишни яхшилаш билан бирга, "Соғлом бола йили Давлат дастури" доирасида филиал тармоқларида фаолият юритаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, болаларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш каби ишларни ҳам талаблар даражасида ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

# Электрон зиё

**Хоразм вилоят кутубхонаси 1939 йили ташкил этилган. Ўша пайтларда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари мураккаб масалалардан бири бўлган. Бугунги кунга келиб эса кутубхона марказ даражасига етди.**

Илм-маданият марказига айланишга улгурган бу марказда нодир адабиётлар сони 2000дан зиёд бўлиб, улар араб, қозоқ, татар, инглиз, немис, рус тилларида чоп этилган ноёб асарлардир.

Хоразм вилояти АКМда йилдан-йилга фойдаланувчилар сони ошяпти. 2006 йили вилоят ахборот-кутубхона маркази фойдаланувчилари 17135 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 22 мингта яқинлашиб қолди.

Кутубхона муштарийларининг сони кўпайгач, талаблар ҳам шунга яраша ошди. Бу ерда электрон ўқув зали, мултимедиа заллари ташкил этилди. Маскан энг замонавий ускуналар билан таъминланди. Китоблар залига сўнгги русумдаги компютерлар ўрнатилган. Керакли маълумотни сўраб келган ўқувчига ҳеч қийналмасдан компютер орқали осон хизмат кўрсатилади.

Китобхонларимизнинг аксарияти — ёшлар.

— Олийгоҳга ўқишга кирганимдан бери ўқув-семинар машғулотларда бериладиган вазифаларни шу ерда ҳеч қандай муаммосиз бажаряпман. Дам олиш кунларида ҳам марказга келиб, бўш вақтимни унумли ўтказаман, — дейди доимий муштарийлардан бири Олланазар Матёқубов.

— Онам вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказида ишлайди. Бу масканда фойдаланишимни билиб, доим ўзига керакли маълумотларни ёзиб қайтишимни сўрайди. Ўзим ҳам истаган китобимни олиб мазза қилиб ўқийман, бунинг учун марказ ходимларига катта раҳмат, — дейди Даврон Қаландаров.

Ҳозирда масканнинг ахборот ҳужжатлар фондида 596793 нусхада адабиётлар мавжуд. Хоразм вилояти АКМ оргтехникалари умумий сони 71тани ташкил этади. Ҳар йили янги компютер, принтер, сканер, ксерокс, турли проекторлар ва бошқа замонавий техникалар билан тўлдириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ўтган йил охирига келиб, кутубхона марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 130 млн. сўмлик чет эл ускуналари ва 13та компютер техникаси олиб берилди.

Вилоят ахборот-кутубхона марказИ интернет ва "ZiyoNET" тармоғига уланган бўлиб, бир пайтнинг ўзида веб-сайти ҳам яратилди. Веб-сайтнинг ўзбек (кирилл ва лотин), рус ва инглиз тилларидаги саҳифалари бўлиб, сайт www.xorazmakm.uz манзилида жойлашган.

АКМнинг ахборот технологиялари бўлими мудири Дилбар Рўзметова, ахборот ҳужжатларини сақлаш бўлими бош кутубхоначиси Зулхумор Хўжаниёзовалар АҚШдаги кутубхоналарнинг иш фаолияти билан яқиндан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Кутубхоналар инсоният барча руҳий бойликларини ўзига жамлаган муқаддас зиё масканидир. Бу даргоҳдан қадамини узмаган инсоннинг маънавияти юксак, тафаккури бой ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлиши табиий.

**FAKT**

■ Хоразм вилояти АКМ фойдаланувчилари сони — 22 мингга яқин.

■ Адабиётлар сони — 596793та.

**Раҳимбой ҚУРБОНОВ,**
**Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази директори**

**Қўшсаҳифа материалларини "Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири Нилуфар ЖАББОРОВА тайёрлади.**

АКМ HAYOTI

# Энг азиз айём!

**Мустақиллик Ўзбекистон халқининг ва ёшларнинг келажагини яратиб, порлоқ истиқболини белгилаб берди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа соҳалар қатори, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари шаклланиб ривожланганлигини таъкидламоқ лозим.**

Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида электрон каталогга адабиётларни киритиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу эса, фойдаланувчи қисқа фурсатда катта ҳажмдаги ахборотларни кўриб чиқиши ва керакли адабиётни танлаб олишига имкон беради.

Ахборот-кутубхона марказида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзуида кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий бойликлари, маънавий ҳаётига оид китоб ва бошқа босма материаллар кўргазмадан жой олди.

Кўргазманинг биринчи қисмида Президент асарлари ва маърузалари жойлашган. Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб картотека юритилмоқда. Китобларга шарҳ ва услубий қўлланмалар тайёрланиб, кўргазмага қўйилган.

**Дилафрўз КАМОЛИТДИНОВА,**
**АКМ сектор мудири**

# Тараққиёт гарови

**Сирдарё вилояти Ховос тумани 3-умумтаълим мактабида Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида "Тинчлик – барқарорлик ва тараққиёт гаровидир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда подполковник С.Мамаюсупов, подполковник А.Каримов, майор Б.Зулфиқоров, Республика маънавият тарғибот маркази Сирдарё вилояти бўлими бош мутахассиси Т.Ҳайитбоев, ГулДУ ўқитувчиси Й.Каримовлар ўз табрик ва маърузалари билан иштирок этишди. Вилоят АКМ ходимлари "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзуида китоблар кўргазмаси ташкил этишди. Шунингдек, Жиззах гарнизони офицерлар уйининг ҳарбий оркестри бадиий жамоасининг концерти бўлиб ўтди.

**Х.РИСҚУЛОВА,**
**АКМ етакчи кутубхоначиси**

# Е-СПОРТ: Бухоро босқичи якунланди

**Бухоро шаҳрида Zo'r-Zo'r – 2014 UCG – Ўзбекистон чемпионати ҳудудий мусобақалари бўлиб ўтди. Шаҳардаги Game Zone клубида ташкиллаштирилган саралаш босқичида 150дан ортиқ геймер иштирок этди.**

Dota All Stars мусобақаларида 18та жамоа куч синашди. Фахрли биринчи ўрин Ғаффор Ҳидоятов бошчилигидаги Шерзод Элов, Мирали Жалолов, Аминжон Атоев ва Бобиршоҳ Саломовларни бирлаштирган All Stars жамоасига насиб этди. 2 ва 3-ўринларни Too Easy For ва Top War жамоалари эгаллади.

"Asia Bukhara" меҳмонхонасида ўтказилган FIFA 2014 баҳсларида 20 нафар геймер қатнашди. Муросасиз баҳслар якунига кўра, Бухоро туризм коллежи ўқувчиси Бобиршоҳ Насуллаев фахрли биринчи ўриндан жой олди. 2 ва 3-ўринларга Отабек Тўраев ва Темур Ашрапов муносиб деб топилди.

— Бухородаги 20-умумтаълим мактабида таълим олганман, — дейди мусобақа ғолибларидан бири Б.Насуллаев. — Инглиз, корейс тилларини мукаммал ўрганиш ва, ҳеч шубҳасиз, компютер борасидаги билимларимни янада такомиллаштириш асосий мақсадимга айланган. Бугунги муваффақият билан чекланиб қолмайман, албатта. Компютер ўйинлари бўйича Тошкентда ўтказиладиган миллий финал беллашувларида ҳам ғолиб бўлсам, деймиз

Саралаш босқичи ғолиблари ва совриндорларига мусобақа ташкилотчиларининг тегишли даражадаги дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Асқар ИСТАМОВ,**
**"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири**









Sony сув остида тасвирлар олиш мумкин бўлган Xperia M2 Aqua смартфонини ишлаб чиқарди.


Барча ватандошларимизни тобора яқинлашиб келаётган
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги
билан табриклаймиз!
Хонадонингизга ободлик,
дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФИЛИАЛИ жамоаси


“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Гўзал диёримиз аҳолисини
Мустақиллик байрами
билан табриклайди.
Барчамизга
тинчлик-хотиржамлик
доимо ҳамроҳ бўлсин!


Азиз Ватандошлар!
Истиқлол шукуҳи
кезиб юрган
кунларда энг самимий
тилакларни
йўллаётганимиздан
бахтиёрмиз!
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ


“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Ватандошларимизни
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
23 ЙИЛЛИК
шодиёнаси билан
муборакбод этади.


O'ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI жамоаси
ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!
ЮРТИМИЗГА, БАХТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!


"UZBEKTELEKOM INTERNESHNL M.Sh.J"ҚК
ЖАМОАСИ
УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК!
ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАСИН!


"O'ZIMPEKSALOQA" МЧЖ ЖАМОАСИ
Халқимизни яқинлашаётган Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнаси билан табриклайди.
Хонадонингиздан тинчлик, дастурхонингиздан файзу барака аримасин!


AMIR TEMUR
Серқуёш юртимиз аҳолисини ҳамда соҳа ходимларини энг улуғ, энг буюк байрамимиз
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этамиз!
"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
"ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

## ЯКШАНБА — 31 АВГУСТ

Қатағон қурбонларини ёд этиш куни.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Марғиёна". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Тандир нон". М/ф.
9.00 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
9.15 "Истиқлол солномаси".
9.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига.
"Ўзбек модели".
9.50 Болалар учун фильм: "Сеҳрли қалпоқча".
11.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Иқлим".
13.05 "Дилхуш наволар". Ўзбекистон Халқ артисти Мунојат Йўлчиева.
13.30 Ўзбек киноси: "Алпомиш". 1-қисм.
14.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига.
"Ўзбек модели".
15.10 "Иқлим".
15.15 Ўзбек киноси: "Алпомиш". 2-қисм.
16.30 "Юрган - дарё. "
16.50 "Дугоналар". М/ф.
17.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига.
"Ўзбек модели".
18.30 "Таҳлилнома" /рус/.
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
19.25, 20.00. 20.55 Эълонлар.
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
23.40 - 00.05 "Мўъжизалар макони".
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
00.25 "Юрган - дарё. "
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
1.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
3.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига.
"Ўзбек модели".
4.00 "Таҳлилнома".
4.40 "Боғаро".
4.55 "Мўъжизалар макони".
5.25 - 5.55 "Дилхуш наволар". Ўзбекистон Халқ артисти. Муножат Йўлчиева.

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ёшлик баҳори".
7.50 "Мультипанорама".
8.00 "Ватан". Б/ф.
9.40 "Истиқлол солномаси".
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Фармонбиби аразлади". Спектакль.
12.30 "Ош бўлсин!"
13.00 "Истиқлол шукуҳи".
13.10 "Шерюрак". Б/ф.
16.00 "Имкон-шоу".
17.00 "Нуқтаи назар".
17.30 "Имкон-шоу".
18.20 "Истиқлол шукуҳи".
18.30 "Давр ҳафта ичида".
19.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
20.30 "Истиқлол шукуҳи".
20.40 "Тақдиримсан, бахтимсан!"
21.00 "Имкон-шоу".
22.00 "Чандни". Б/ф.
1.10 "Биз киммиз?"
1.30 "Ватанпарвар".
2.10 "Унутилмас оҳанглар".
3.30 "Сўз ёшларга".
4.00 "Навоийга таъзим".
4.30 "Биз киммиз?"
4.40 "Кўзмунчоқ".
5.10 "Тақдиримсан, бахтимсан!"
5.30-6.00 "Давр ҳафта ичида".

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "Бу ажиб дунё". Ҳ/ф.
7.00 "Салом, Тошкент!"
7.50 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
8.00 "Poytaxt news".
8.20 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
8.30 "Дилбандим". Тележурнали.
9.00 Миллий сериал: "Бедор туйғулар". Т/с. 6-қисм.
9.40 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
9.50 Ҳинд киноси: "Саробга айланган умидлар".
12.50 "Poytaxt madaniyat".
13.00 "Салом, Тошкент!"
13.50 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
14.00 Болалар учун фильм: "Учар от".
15.30 "Миттивойлар оиласи".
15.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига: "Юрт ҳақида қўшиқ".
16.10 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
16.20 Миллий мультфильмлар: "Турон ботир", "Жалолиддин Мангуберди".
16.50 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
17.00 "Теле-маркет".
17.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига: "Мустақиллик иншоотлари".
17.35 Миллий кино : "Жасур". Б/ф.
18.55 "Ким эдигу ким бўлдик?"
19.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 "Ким эдигу ким бўлдик?"
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига: "Мустақиллик иншоотлари".
21.25 "Теле-маркет".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига: "Улуғимсан, Ватаним!"
22.00 "Бахт қўрғони".
22.25 "Ўзбегим рақслари".
22.35 "Ким эдигу ким бўлдик?"
22.40 "18 квадрат". Б/ф. /Рус тилида/.
00.10 "Все о туризме".
00.40 "Птицы. Путешествие на край света". Ҳ/ф. /Рус тилида/.
2.00 "Poytaxt".
2.20 Миллий кино: "Маҳаллада дув-дув гап".
3.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига: "Юрт ҳақида қўшиқ".
4.00 "Салом, Тошкент!"
4.50 "Дунё". теледастури.

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. "ЛОКОМОТИВ" - "БУНЁДКОР".
7.55 "Sport Test".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 ИНТЕРФУТБОЛ.
9.50 АНОНС.
9.55 "Миллий томошалар".
10.20 "Қувноқ стартлар".
10.55 "Sport rekordlari".
11.00 Дзюдо. Жаҳон чемпионати. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 Велоспрт. Вуэльта.
14.35 "Sport ensiklopediya".
14.40 "Истиқлол футболи".
15.10 АНОНС.
15.15 "Спортимиз маликалари".
15.55 АНОНС.
16.00 "Эстафета".
16.20 АНОНС.
16.25 Теннис. US Open турнири.
17.40 "Спорт сайёраси".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Орзулар кемаси".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.00 "Миллий томошалар".
21.25 "СПОРТ- МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.40 "Ватан шаъни".
00.00 АНОНС.
00.05 Дзюдо. Жаҳон чемпионати.
1.35 Волейбол. Гран при турнири.
2.55 "Ғурур".
3.10 Велоспорт. Вуэльта.
4.30 АНОНС.
4.35 -5.50 Теннис. US Open турнири.

*ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.*

## Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"GATEWAY TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004837 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг ҳуқуқий вориси "PAYCOM" масъулияти чекланган жамиятининг аризасига асосан 2014 йил 14 августдан тугатилди.

"MAN-TEX ENERGY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003519 рақамли;

"BAYMURADOVA ROZIYA" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003682 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 14 августдан тугатилди.

"EVROIMPORTTORG" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003132 рақамли лицензиянинг амал қилиши Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2014 йил 17 июлдаги 1-08/2477-сон хатига асосан "EVROIMPORTTORG" масъулияти чекланган жамият тугатилган сана — 2014 йил 31 январдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандига асосан "SHAXZOD KARMANA" оилавий корхонасининг (Навоий вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2014 йил 14 апрелда берилган АА серияли 0004976 рақамли лицензия бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганлиги сабабли "АМУДАРЁ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ" масъулияти чекланган жамиятининг (Қорақалпоғистон Республикаси) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003316 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2014 йил 20 августдан 10 иш кунига тўхтатилди.

**Диққат! Диққат! Диққат!**

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-қарорига асосан "RELE VA AVTOMATIKA" очиқ акциядорлик жамияти ҳамда "REALTOR-CONSULTING GROUP" масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 24 сентябр соат 11.00да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга "RELE VA AVTOMATIKA" очиқ акциядорлик жамиятининг 20.08.2014 йилдаги 82-сонли буюртмасига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган умумий майдони 4832,0 кв.метрдан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган Литер-0008 (БЛОК Е) майдони 3616,0 кв.метрдан иборат тўрт қаватли ҳамда Литер 0009 (БЛОК Е1) майдони 1216,0 кв.метрдан иборат бир қаватли бинолари биргаликда мужассам ҳолда қўйилмоқда.

**Бошланғич нархи: 1 664 933 000 (Бир миллиард олти юз олтмиш тўрт миллион тўққиз юз ўттиз уч минг) сўм.**

Фаолият ихтисоси: Тадбиркорлик ва объект негизида истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2014 йил 22 сентябр куни соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади. (13.00дан 14.00гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси "REALTOR-CONSULTING GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ва уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:**
**Аукцион ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" MChJ**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.**
**Интернетдаги манзилимиз:**
***www.rcg.uz***
***E-mail: rc.group@inbox.ru.***

**Хизматлар лицензияланган.**

## ЭЪЛОН!

Сирожиддин Хонбердиев номига тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2012 йил 14 майда берилган реестр рақами 0808489 бўлган гувоҳнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**Кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартнома шу мулк жойлашган ҳududдаги нотариус томонидан тасдиқланиши лозим. Бундай шартномани нотариал тасдиқлаш пайтида нотариус ипотекага қўйилаётган мулк ипотекага қўювчи шахсга тегишли эканлигини, уни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлигини, бошқа ипотекага қўйилган ёки қўйилмаганлигини, қарзлари йўқлигини, ипотекага қўювчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг шахсини ва вакилларнинг ваколатларини текширади.**

# Кўчмас мулк

## Уларни гаров (ипотека)га қўйиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш ҳақида



Кўчмас мулк, шу жумладан, бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, уйлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Агар тасарруфдан чиқарилиши учун бошқа шахснинг ёки органнинг розилиги ёхуд рухсатини олиш талаб этиладиган мол-мулк ипотека нарсаси бўлса, бу мол-мулк ипотекаси учун шундай розилик ёки рухсат олиш зарур.

Умумий биргаликдаги мулк (мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши белгиланмаган ҳолда) бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг ёзма розилиги билан ипотекага қўйилиши мумкин. Умумий улушли мулк иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини бошқа мулкдорларнинг розилигисиз ипотекага қўйиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариус томонидан бошқа ҳужжатлар ҳам сўралиши мумкин. Ипотека шартномасини тасдиқлашда давлат божи шартнома суммасидан, яъни ипотекага қўйилаётган нарсанинг баҳосидан олинади.

Ипотека шартномаларини тасдиқлашда нотариус ипотекага қўйилган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

Ипотека нарсасини алмаштириш зарурияти туғилган ҳолларда, ипотека нарсаси ипотекага олувчининг розилиги билан алмаштирилади. Нотариус ипотекага олувчининг ипотека нарсасини алмаштиришга розилиги ҳақидаги юридик шахснинг ёзма шаклидаги хабарномаси (бошқа тегишли ҳужжатлар), жисмоний шахснинг нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган аризаси асосида ипотека нарсасини алмаштириш тўғрисида битимни тасдиқлайди.

Гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан ипотека шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида ҳам битим тузилади.

Ипотека шартномаси бўйича ипотека нарсасини алмаштириш ёки гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан ипотека шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида битим тузиш учун суғурта шартномаси ва суғурта полиси, асосий мажбурият тўғрисидаги шартнома бўйича ипотека нарсасини алмаштириш ёки гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш ҳақида ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи ўртасида тузилган қўшимча битим талаб этилади. Ушбу ҳужжатлар ипотека шартномасига қўшиб тикилади. Бу ҳақда реестрга ва алифбо китобига ёзиб қўйилади.

Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас. Қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши тақиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари ҳам ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

**Н.САЛИМОВА,**
**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотаруси**

PAZANDA MASLAHATI

## “Лаззат” салати



**Керакли масаллиқлар:** 100 грамм пишлоқ, 100 грамм бринза, 4 дона помидор, 150 грамм майонез, 1 қути қоқ нон, таъбга кўра туз.

**Тайёрланиш усули:** помидорнинг қаттиқлари танлаб олиниб, йирик кубик шаклида тўғралади. Бринза билан пишлоқ ҳам шу тарзда тўғралиб, тайёр масалliққа таъбга кўра туз қўшилади ва масаллиқ майонез билан аралаштирилади.

Дастурхонга тортишдан олдин салат қоқ нон доналари билан безатилади.

**Лола СУЛТОНОВА тайёрлади**



## Ханда



**Мактабга янги ўқитувчи келибди. Ўқувчилар унинг атрофини ўраб олиб, ўз мактаблари, синфлари ҳақида гапира кетишибди. Синфдошлар орқа партада ўтирган ўқувчини кўрсатиб, ўқитувчига таништиришибди:**

**— Манави Болтавой тентак бўлади. Мана, унга 500 сўмлик ва 1000 сўмлик пулни берсангиз у доим ранги қизил бўлгани учун 500 сўмликни олади.**

**Болалар Болтавойни чақириб, ўқитувчига намойиш қилиш учун 500 сўмлик ва 1000 сўмлик пул узатишибди. Болтавой ҳақиқатан ҳам 500 сўмликни танлабди.**

**Дарслар тугагач, ўқитувчи Болтавойни чақирибди ва дебди:**

**— Болтавой, қарасам, математикани унчалик яхши билмайдиганга ўхшайсан. 1000 сўм 500 сўмдан икки баробар кўплигини наҳотки билмасанг?**

**— Албатта биламан!**

**— Унда нега 500 сўмликни танлайсан?**

**— Муаллим, агар мен 1000 сўмликни танласам, болалар менга пул бермай қўйишади-да!**

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

*"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси юбилей саналарини нишонлаётган Фарғона ШТБ, Марғилон ШТБ, Бувайда ТБ ва Қўқон ШТБ ходимлари Жумабой ШАМШИТДИНОВ, Анваржон КАЗАКОВ, Раҳмонхўжа МУЛЛАХЎЖАЕВ, Абдуҳаким САТТОРОВ, Икромжон ҲАКИМОВ ҳамда Одилжон ЖЎРАБОЕВларни табриклайди. Уларга энг эзгу тилакларини йўллайди.*

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Г-865 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10992 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Гулистонда | Жиззахда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | 715-87-21 | 240-00-46 | (94) 199-95-64 | 225-91-10 | 554-35-45 | 230-64-80 | (91)235-88-68 | 288-40-66 | (90) 713-21-40 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |

1 3 4 5